

ЯНГИ ОҲАНГДА КУЙЛАЁТГАН ОҲАНГАРОН

“Тошкент ҳақиқати” минбари



Музаффар РАЖАБОВ, Оҳангарон шаҳар ҳокими



Шаҳарга ҳоким этиб тайинланганидан сўнг шу гушани ривожлантириш, Президентимиз бошлаб берган ислохотларни шаҳар миқёсида амалга оширишга қатъий бел боғладим. Сир эмас, илгари ҳоким деганда, халқдан ажралиб қолган, қабулига кириб бўлмайдиган, анчайин бюрократ бир мансабдор тушуниларди.

(Давоми 4-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.



Газетамизнинг бугунги сонидан Ўзбекистон Экологик партияси номидан “Табиий ресурслар, ер ва сувдан оқилона фойдаланиш – бизнинг бош мақсадимиз”, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Ижтимоий давлатга самарали ижтимоий сиёсат орқали эришамиз!”, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг “Одил судловни таъминлаш йўлидаги муҳим ташаббуслар” сарлавҳали мақолалари чоп этилмоқда.

2-3-саҳифага қаранг.

Хорижлик кузатувчи тайёргарлик жараёнлари билан танишди

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси бўлими бошлиғи Евгений Козьяк Тошкент вилояти ҳудудий сайлов комиссияси биносидан бўлиб, амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари билан танишди.



Ҳудудий сайлов комиссияси раиси Улуғбек Тўхтаев меҳмонга сайловолди амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 27 октябры куни бўлиб ўтadиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловини юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилмақда.

Хусусан, вилоят ҳудудий сайлов комиссияси томонидан ҳозиргача муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Ҳудуд бўйича 1 минг 6 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, улар сайловга оид қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, зарур замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Жисмоний ҳаракати чекланган сайловчилар имкониятини эътиборга олган ҳолда биноларга нишаб йўлақлар барпо этилди.

Шунингдек, хорижлик меҳмон Нурафшон шаҳри ва Урта Чирчиқ туманида ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш жараёнларига қай даражада тайёргарлик кўрилаётганини кўздан кечирди. Сайлов участкалари раислари билан суҳбат ўтказди.

Нигора УРОЛОВА, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Вилоят бўйлаб

БЎСТОНЛИҚДА “XXI аср илм-фан ва бизнесдаги аёллар: ютуқлар ва муаммолар” мавзусидаги халқаро форум ўтказилди.




ЧИРЧИҚ олий танқ қўмондонлик-муҳандислик билим юртида “Миллатлар дўстлиги – тинчлигимиз асоси” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ёш курсантлар тожик миллатининг маданияти, урф-одатлари ҳамда илм-фан, адабиётига оид бир қанча маълумотлар билан танишишди.



НУРАФШОН шаҳридаги Ёшлар марказида шахмат бўйича “Тошкент вилояти ҳокими кубоги” мусобақаси бўлиб ўтди. Унда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган 100 нафарга яқин иштирокчилар дона сурди. Яқунда ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.



ҚУЙИ ЧИРЧИҚ тумани хотин-қизлар бўлими қошида ташкил этилган “Оила мактаби”да ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида ёш никоҳланувчилар учун “Китобхонлик эзгуликка етаклайди” мавзусида ўқув машғулотлари ташкил этилди. Машғулотда ёш оила мустаҳкамлиги учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида мутахассислар фикри тингланди.



НУРАФШОНДА ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ



Ҳамкорлик

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев Туркиянинг “Mdesign & İşik Peyzaj” корхонаси вакиллари билан учрашув ўтказди.

Туркия ландшафт меъморлари палатаси раиси ҳамда Америка ландшафт меъморлари билан ўтказилган мулоқотда ҳамкорлар вилоят маркази Нурафшон шаҳрида бўлаётган янги истиқболли

ўзгаришлар, шу билан бирга туризм, бизнес ҳамда бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Меҳмонлар томонидан компания ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларида бир қатор ландшафт меъморчилиги лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошираётган жамоа билан, хусусан, Тошкент вилояти ҳудудида ҳам йирик замонавий ландшафт парклар ташкил этиш борасида фикрлар билдирилди.

Зойир Мирзаев мазкур лойиҳалар бўйича амалий кўмакка тайёрлигини айтди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

БИР ЛОЙИҲАДА ЮЗ ИШ ЎРНИ

Юқори Чирчиқ туманида “PLASTEKS” МЧЖ томонидан sanoat йўналишида умумий қиймати 14 млрд. сўмни ташкил этувчи янги лойиҳа ишга туширилди.

Яхши хабар



Корхонада қурилишда фойдаланиладиган сендвич панеллари ва замонавий алюмин-профил эшик ва ойна ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, янги иншоот ишга туширилиши натижасида юз нафар маҳаллий аҳоли бандлиги таъминланди.

Обуна – 2025

БУ ДАЪВАТНИ ЎН НИШИГА ЕТКАЗИНГ ВА ЭРТАСИГА АЖИБ БИР ҚУШХАБАР ЭШИТИНГ!

“Мажбурий меҳнат” деб, ҳашардек олижаноб қадриятларимизни йўқотдик!
Энди “мажбурий обуна” деб, ўқини ва тафаккур қилиш саодатини бой бермайлик!



Азиз дўстлар!
Вилоятимизнинг бош газетаси “ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ”га 2025 ЙИЛ УЧУН ОБУНА бўлишинг айна маериди!

Нашр индекси – 205

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан самарали фойдаланиш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар экологик хавфсизликнинг асоси ҳисобланиб, бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида аниқ мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўймоқда.



ТАБИЙ РЕСУРСЛАР, ЕР ВА СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ

“Табиат учун бирлашайлик” ширини илгари сурар экан, партиямиз ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқариш бўйича аниқ ва амалий таклифларни илгари сурмоқда.

Сув ресурсларини бошқариш: мақсад сари ҳал қилувчи ғоялар ва амалий қадамлар

Жаҳон банкининг таҳлилларига кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистонда сувга бўлган талаб 59 куб километрдан 62-63 куб километргеча ошади ва мавжуд сув ресурслари сезиларли даражада камайди. Бундай вазиятда сувдан оқилона фойдаланиш ва тежамкорликнинг ўзи камлик қилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мамлакатимиз сув ресурсларининг асосий манбаи бўлган иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими ҳозиргидан 15 фоизга қисқариши мумкин. Шундай бўлган тақдирда, бутун Марказий Осиё бўйича аҳоли жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиб кетиши прогноз қилинмоқда.

Партиямиз сайловолди дастурида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар олиб бориш таклиф этилмоқда. Булар, жумладан, янги сув ҳавзаларини барпо этиш ва сувни барқарор бошқариш учун ирригация тизимларини ривожлантириш чораларидир.

Ўмгир сувларидан самарали фойдаланиш дастури ишлаб чиқиш, 2025 йилдан қурилиш майдони 500 квадрат метрдан орტიқ бўлган уй, бино ва объектларда ўмгир сувларини йиғиш тартибини жорий этиш, ўмгир сувидан фойдаланишни давлат томонидан рағбатлантириш механизми ва давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий этиш бўйича таклифларимиз ўта муҳим ҳисобланиб, ҳорижий давлатлар амалиётида ҳам ўмгир сувларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, Туркияда 2 минг квадрат метрдан орტიқ кўп қаватли уйлар ҳамда янги қурилаётган биноларда ўмгир сувини йиғиш тартиби белгиланган. Германияда Франкфурт аэропортида йиғилган ўмгир суви аэропортнинг кўкаламзорлаштирилган ҳудудларидан 60 фоизини суғориш ва техник сув ўрнини қоплаш имконини беради.

Худудларда ўмгир сувларидан фойдаланган ҳолда кичик яшил майдонлар ва боғлар барпо этиш ишларини ташкил этиш ва бунда тураржойлар ва шахсий хўжаликларда ўмгир сувларини йиғиш ҳамда фойдаланиш қурилмалари билан жиҳозланган ҳамда ундан фойдаланиб келаётган жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш мамлакатда “яшил майдон”ларни сезиларли кўпайтиришга, уларни барқарор сақлашга хизмат қилади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадларида янги қурилаётган кўп қаватли тураржойларда ичимлик ва хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган сувларни алоҳида-алоҳида қувурларда етказиб берилишини ташкил этиш аҳолининг ичимлик ва суғоришга мўлжалланган сувдан оқилона фойдаланиш ва сув ресурслари ҳисобини юритишда муҳим ҳисобланади.

Ер ресурслари муҳофазаси ва чўлланишга қарши кураш чоралари

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатдаги қишлоқ хўжалигига суғориладиган майдонлардан янада самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиққан ерларни қайта фойдаланишга киритиш ер ресурслардан самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Бунда, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун ерларни экишга тайёрлашда ресурслар ва энергия тежамкор, экологияга безарар бўлган «No-Till» (ерга минимал ишлов бериш) каби инновацион технологияларни кенг жорий этиш таклифлари илгари суради.

Мутахассисларнинг фикрича, республикамиз ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 млн. гектар табиий шўрланган, қум кўчклар, чангли бўронлар ва гармселлар тарқалиши таъсирига учраган қуроқчил ва ярим қуроқчил майдонлардан иборат. Қарийб 10 млн. гектар яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож.

Мамлакатимизда тупроқ сифатининг муҳим кўрсаткичи бўлган тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган чоралар қурилишига қарамадан тупроқ унумдорлиги йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Жумладан, республикада ўртача тупроқ унумдорлиги 1991 йилда 58 баллни ташкил этган бир вақтда ушбу кўрсаткич, 2001 йилда 55 баллни, 2021 йилда эса 53,7 баллни ташкил этган.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш буғунги куннинг глобал муаммоларидан бири

Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастурида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, озон қатламнинг емирилиши, иссиқхона газларини нормадан ортиқ чиқарилишининг олдини олиш ва бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизмларни аниқ белгилаш мақсадида замонавий халқаро стандартлар асосида ва янги тахрирдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суради. Бунда, атмосфера ҳавоси-

нинг ифлосланишига сабаб бўлувчи имтиёзларни бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини ҳам белгилаб ўтиш назарда тутилди.

Эколог олимларнинг хулосаларига кўра, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига сабаб бўлувчи омиллари бартараф этиш, авваламбор, “яшил боғ” ва “яшил белбоғ”лар яратиш ва экологик тоза транспорт турларидан фойдаланишни рағбатлантириш, жамоат транспорти воситаларини ишлаб чиқариш талаб этади. Қолаверса, ёқилги сифатига эътибор қаратиш, анъанавий углеводород ёқилгиларидан муқобал ёқилги турларга ўтиш, “яшил” энергетикани кенг жорий этиш тадбирларини амалга ошириш зарур.

Дарахтлар иссиқ пайларда атмосферага кўп миқдорда сув буғи чиқариб, кундуз кунлари ҳавонинг намлигини 20-30 фоизга оширади, ҳароратни эса бир неча даража пайсантиради.

Шунинг учун ҳам партиямиз қурилиш мақсадларида дарахтларни ноқонуний кесган тадбиркорларнинг ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш тартибини жорий қилишни таклиф этмоқда. Чунки айрим қурувчи-тадбиркорлар томонидан уй-жойларни қуришда қонунчилик талабларига риоя қилинмасдан, ноқонуний йўллар билан кўплаб дарахтларни кесиб ташлаш ҳолатлари учрамоқда.

2030 йилдан бошлаб мамлакатда ички ёнув двигателли енгил автомобилларни сотиш, четдан олиб киришни тақиқлаш ташаббуси аҳолимиз соғлигини муҳофаза қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қулай атроф-муҳит яратишда ҳамда мамлакатда экологик тоза транспорт воситаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Партиянинг сайловолди дастуридаги кум ва туз бўронлари кўтарилиши хавфи юқори бўлган ҳудудлар хариталарини ишлаб чиқиш, бу жойларда давлат дастурлари асосида иҳотазорлар, яшил қопламалар барпо этилишига эришиш, оқова сувларни тозалаш иншоотларини модернизация қилиш ва янги-янгиларини қуриш, локал оқова сув тозалаш иншоотлари бўлган корхоналар фаолиятини экологик талабларга жавоб берадиган технологиялар жорий этилишини таъминлаш тартибини жорий этилиши атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишга хизмат қилади.

Биологик ресурслар муҳофазасида креатив ёндашулар

Ўзбекистон Экологик партияси томонидан мамлакатимизнинг ўзига хос ноёб биологик хилма-хиллигини ишончли сақланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ўсимликлардан фойдаланишга ва ёввойи ҳайвонларни ов қилишга мўддатсиз мораторий эълон қилиш юзасидан муҳим таклифларини эътироф этиш мумкин.

Мамлакатимизда ўсимлик дунёсининг 15 000 га яқин, ҳайвонот оламнинг 11 000 га яқин турлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Қизил китобига ноёб ва йўқолиб кетиш арасида бўлган 206 турдаги ёввойи ҳайвонлар ҳамда 314 турдаги ёввойи ўсимликлар киритилган. Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун уларни табиатдан олиш учун квота миқдори талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда кўпайиб бормоқда.

Партия, бугунги кунда ёши катта дарахт ва буталарни бошқа жойга кўчириб ўтқазиб оқибатда уларни шикастлантирилиши ва қуриб қолиши ҳолатларининг ошиб бораётганини ҳисобга олиб, 10 ёшдан катта дарахтларни кўчириб ўтқазилиш тақиқлаш, шунингдек дарахтзорлар мавжуд бўлган ер майдонларини қурилиш мақсадларида реализация қилинишини қонун билан тақиқлаш ташаббусини илгари суради.

Барқарор агроэкологик: озик оғқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омиш

Партия дунёда ер-сув ресурслари камайиб, озик-овқат ресурслари тақчиллиги ошиб бораётгани ва мавжуд манбалардан оқилона фойдаланишда халқаро стандартларга ўтиш заруратини ҳисобга олган ҳолда Сайловолди дастурида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан аниқ вазифарларни таклиф қилмоқда. Жумладан, генетик модификацияланган организмлар (ГМО) маҳсулотларининг миқдори бўйича маълумотларнинг маҳсулот ёрликларидан аниқ кўрсатилишини таъминлаш, органик маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббуслар эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Экологик партияси ўзининг Сайловолди дастури билан мамлакатнинг барқарор ривожланиши йўлида бугунги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш, хавфсиз ва самарали бўлган яшил иқтисодиётга ўтиш, инсон ва табиат уйғунлиги устувор бўлган барқарор жамият барпо этиш ғоясини илгари суради.

Нарўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати
Нонба ИНОЯТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТГА САМАРАЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ОРҚАЛИ ЭРИШАМИЗ!

Кучли ижтимоий сиёсат – Халқ демократик партиясининг бош ғояси саналади. Аини йўналишда қутилган натижага эришиш учун “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, деган тамойилда сиёсат олиб бориш талаб этилади.

Янги тахрирдаги Конституция-мизга кўра, Ўзбекистон – ижтимоий давлатдир. Бу энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш демакдир. Халқ демократик партиясининг бош дастурий мақсадлари, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган энг муҳим ғоялари ана шу таърифда мужассамлашган, десак тўғри бўлади.



Чунки ҳорижий тилларни билмаслик ва уларда сўзлаша олмаслик, IT йўналишини яхши ўзлаштирмаслик, ёшларнинг кўп имкониятлардан фойдаланиш даражасини чеклайди.

Яна бир муҳим томони бор. Мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали биз мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридagi рақобатбардошлигини оширишимиз аниқ. Шу ўринда Миллий тикланиш демократик партияси ўз дастурида мактабгача ва бошланғич таълимда компьютер саводхонлигига оид машғулотлар ўтказилмаслиги таклифи билан чиқаятгани бизни ажаблантирмоқда. Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига фаол кириб келаётган ва келажак касблари қаторида кўрилаётган IT соҳасини ёшларимиз ўрганишига интилаётган, ота-оналар ҳам ўз фарзандларини имкон қадар ёшлигиданоқ ушбу соҳани чуқур ўзлаштириш учун қўшимча курсларга бераётган бир вақтда рақибимизнинг ўта консерватив ушбу ғояси бугунги замон билан ҳамнафас эмаслиги аён бўлмоқда.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Партиямиз асосий ғоя ва мақсадларига мос тарзда барча фуқаролар учун пенсия ва ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга етарли бўлишига эришишга алоҳида эътибор қаратади.

Биз пенсия тизимида янгича ислохотлар ва ўзгартишлар тарафдоримиз. Пенсия ҳамда ижтимоий нафақалар инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига етарли бўлиши керак. Бизда пенсиянинг ижтимоий жиҳатдан муносиб даражасига эришиш бўйича қилинадиган ишлар кўп.

Нима учун давлат пенсия таъминоти тизимини қайта ислох қилиш зарур, деган ғояни илгари сурмоқдамиз?

Янгилашган Конституцияимизнинг 46-моддасига кўра, ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

Бу борада партия пенсия жамғармасининг фаолиятини замонага мослаштириш ва адолатли пенсия тизимини яратиш зарур, деган қатъий фикрда. Бу тизим шаффоф ишлаш долзарб аҳамиятга эга. Ўзбекистонда касбий пенсия режалари мавжуд эмаслиги, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари учун бадал ставкаси пастлиги, фуқаролар ўз жамғармаларини ихтирий равишда бошқа молиявий инструментларга йўналтириш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳам эътибор қаратиш керак бўлган масалалардан саналади.

Бу борада Халқ демократик партияси фуқароларга шахсий жамғариб борилаётган пенсия маблағларини бошқариш, уларни доимий равишда онлайн кузатиш имкониятини бериш таклифини илгари сурмоқда.

Меҳнат фаолияти маҳсулидан даромад ва ижтимоий солиқлари тўлаган пенсионерларнинг муқаддам тайинланган пенсиясини қайта ҳисоблаган ҳолда оширилган миқдорда тайинлаш мақбул ечимдир.

Энг муҳим жиҳатлардан бири – Халқ демократик партияси мамлакатимизда пенсия ёшнини оширмаслик керак, деган позицияда қатъий туради.

ЁШГА МОС ТАЪЛИМ

Партияимизнинг асосий ғоялари замирида таълим билан боғлиқ масалалар муҳим ўрин тутлади. Келажакни билимли, зукко ва ақлли мутахассислар, малякали кадрларсиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабдан дастурда тезлаштирилган таълим ғояси ҳам илгари сурилмоқда.

Биринчи синфга кеч борган болаларга тезлаштирилган таълим бериш ва ўзининг ёшига мос юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш ташаббуси уларнинг интеллектуал, ижтимоий ва эмоционал ривожланиши учун қулай муҳит яратиш зарурлиги билан асосланади.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси биринчи синфга кеч борган болалар учун тезлаштирилган таълим бериш ва ўзининг ёшига мос юқори синфга ўтказиш тартибини жорий этиш таклифини илгари сурмоқда. Бу ҳар бир боланинг ақлий ва руҳий ривожланиши учун керак. Шу нуқтага назардан, боланинг ёши у билимини ўрганиши учун аҳамиятли. Демак, бола ўз тенгдошлари билан таълим олиши керак, улардан ортада қолмаслиги керак. Шунинг учун биз тезлаштирилган таълим бериш методларини амалиётга кенг татбиқ этишимиз керак.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ЯНГИ ОДИМЛАР

Глобаллашув ва жаҳон интеграцияси натижасида бугун ҳорижий тилларни мукамал билиш, IT дастурларини ўзлаштириш замонавий инсон ҳаётида ва иш фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси мактабларда чет тиллар ва IT ўқув соатларини кескин кўпайтириш масаласини илгари сурмоқда.

Мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш орқали биз мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридagi рақобатбардошлигини оширишимиз аниқ.

Шу ўринда Миллий тикланиш демократик партияси ўз дастурида мактабгача ва бошланғич таълимда компьютер саводхонлигига оид машғулотлар ўтказилмаслиги таклифи билан чиқаятгани бизни ажаблантирмоқда. Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига фаол кириб келаётган ва келажак касблари қаторида кўрилаётган IT соҳасини ёшларимиз ўрганишига интилаётган, ота-оналар ҳам ўз фарзандларини имкон қадар ёшлигиданоқ ушбу соҳани чуқур ўзлаштириш учун қўшимча курсларга бераётган бир вақтда рақибимизнинг ўта консерватив ушбу ғояси бугунги замон билан ҳамнафас эмаслиги аён бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси олий таълим тизимини ислох қилиш йўналишида ҳам қатор илғор таклифларни илгари сурмоқда.

Хусусан, бизнинг олий таълим муассасаларида таълим ваучери тизимини жорий этиш тўғрисидаги ташаббусимиз таълим тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Биринчидан, ваучерлар талабаларга ўз хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларини танлаш имконини беради ва шу орқали сифатли таълим олиш имкониятини оширади.

Иккинчидан, олий таълим муассасалари ўрта-сидаги рақобатнинг кучайиши таълим хизматлари сифатини оширишда муҳим рағбат бўлади. Уларни талабаларни кўпроқ жалб этиш мақсадида ўз дастурларини такомиллаштириш, замонавий ўқитиш услуб ва технологияларини жорий этиш, инфратузилмани ривожлантиришга ундайди.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ – ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК АСОСИ

Партияимиз фикрича, ижтимоий ўсим тизими тўғри йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади. Ижтимоий ҳимоя жамиятда боқимандаликни оширади, деган нотўғри қарашлар ҳам бор. Лекин, ривожланган давлатлар тажрибаси бунинг аксини исботлаган. Яъни, ижтимоий ҳимоя манзилли, мақсадли бўлса, жамиятда фаоллик, ишонч, барқарорлик кучаяди.

Мазкур долзарб масалага Ўзбекистон Либерал-демократик партия дастурида алоҳида эътибор қаратилмагани, аниқ таклифлар илгари сурилмагани таажубли. Ваҳоланки, ўзини ўзи банд қилиш жамиятда иқтисодий фаоллик ошиши, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш ҳаракатлари кенгайишининг муҳим омили ҳисобланади. Партия дастурида ички меҳнат миграциясини ривожлантиришга эътибор қаратилиши, бандликни молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари кенгайтирилиши борасида таклифлар илгари сурилганига қарамай, уларни амалга ошириш юзасидан аниқ ва амалий механизмлар назарда тутилмаган. ЎзЛиДеП аҳолиимизнинг бу борадаги катта салоҳиятига кенгроқ ёндашиш мақсада мувофиқ бўларди.

Иқтисодий фаоллик, бандлик ҳақида сўз борар экан, ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш масаласига тўхталиш жоиз, албатта.

Бундай бандликнинг фойдали жиҳатлари кўп. Аввало, уйдан ишлашнинг қонуний имконияти яратилди. Бунда уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам таъминланади, яъни улар пенсия ҳақида қайғурмаса ҳам бўлаверади. Чунки уларга иш стажы ҳисобланади. Улар учун даромад солиғи ёки бошқа йиғимлар ҳам йўқ. Фақат бир йилда БҲЧнинг 1 баравари миқдориди ижтимоий солиқ тўлаш кифоя.

Ўйлаб қарасак, бундай касб-хунарлар билан одамларимиз аввалдан шуғулланиб келган. Масалан, қадимдан хунармандчилик, устачилик, заргарлик, дурадгорлик, сартарошлик каби касблар одамларимиз турмуш тарзининг асосини ташкил этган. Халқ демократик партияси эндиликда ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш, имкониятларни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

Биз ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаини кўпайтириш бўйича сиёсатни мақсад қилганмиз.

Ҳар доим халқ манфаатлари ҳимояси ҳақида ўйлайдиган Халқ демократик партияси ва унинг номзодларига овоз беринг!

Одилжон ИМИНОВ,
Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси,
Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Таъкидлаш керакки, партиямиз қонунларни ижро этиш жараёнида уларга нисбатан ҳар қандай формал муносабатда бўлиш ва бунинг натижасида адолатга путур етказиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилайди. Қонунларни самарали ижро этиш ва адолатни таъминлаш эса ҳуқуқий-демократик давлатнинг зарурий шарт ҳисобланган адолатли, мустақил одил судлов фаолиятига бориб тақалади.

Шундан келиб чиқиб, партия ҳуқуқий давлат барпо этишда, энг аввало, адолатли ва мустақил суд тизimini яратишни мақсад қилган. Бу борада энг муҳим ташаббусларимиздан бири судьялар сонини кўпайтириш ва уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш ҳисобланади.

Бугунги кунда айрим ҳолларда судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча юзлаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, судлар томонидан ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир ўтказмоқда.

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йил давомида жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судида 58 418 та жиноят иши, 600 966 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилган. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар 943 892 та, иқтисодий судлар 271 748 та ишни кўриб чиққан.

Бунинг натижасида жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг бир судьяси бир ойда ўртача 200 га яқин ишни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси 300 га яқин, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг судьяси эса 200 га яқин ишни кўриб чиқишига тўғри келмоқда.

Хорижий давлатлар таърибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бир судья бир ойда АҚШда ўртача 40 та, Канадада 50 та, Японияда 10 та, Германияда 15 та ва Буюк Британия 20 та иш кўради.

Ҳозирда шиддат билан ўзгариб бораётган замонда айрим тоифадаги ишлар борки, судьялардан мазкур ишларни ҳал қилишда нафақат чуқур юридик билимларни, балки бошқа соҳалар бўйича ҳам кўникмаларни талаб этади. Масалан, интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича судья бўлиш учун юқори малакали ҳуқуқшунос бўлишнинг ўзи камлик қилади, техника, рақамли технологиялар соҳалари бўйича ҳам билимлар керак бўлади.

Шу боис, судьялар ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлар сансалорлигининг олдини олиш учун судьяларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқлари оид йўналишлар мураккаблигига кўра ихтисослашувни талаб этади. Агар, хорижий таърибга қараладиган бўлса, меҳнат судлари Германия, Францияда, интеллектуал судлар Япония, Жанубий Кореяда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда энг долзарб бўлган соҳалар, яъни меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар ихтисослашувини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Партиямиз томонидан илгари суриланган ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, буни қўйидагича асослаш мумкин:

Биринчидан, айрим туманларда ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар бошқа туман аҳолисига анча ноқулайлиқлар келтириб чиқармоқда. Мисол учун, Жиззах вилоятида ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига Мирзачўл ва Арнасой туманлари аҳолиси ҳам фуқаролик ишлари юзасидан мурожаат қилишадди. Шу боис, ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларнинг иш ҳажми жуда катта. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро суди бир йилда ўртача 10 мингга яқин иш кўрган бўлса, шундан 4 мингга яқини Бухоро тумани билан боғлиқ ишларни ташкил этса, қолган қисми эса Бухоро шаҳри билан боғлиқ.

Шу билан бирга, партиямиз томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ортқиқча сарсонгарчилигининг олдини олиш мақсадида давлат органи ва улар мансабдор шахсларининг қарори ва хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал қилиш тартибини жорий қилиш, шунингдек, маъмурий суд ишларини юртишда дастлабки эшитув тартибини йўлга қўйиш тақлифи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки эшитув босқичи демократик ва мақбул институт бўлиб, унинг жорий этилиши маъмурий суд ишларини юртиш учун конструктив ечим бўла олади.

Жаҳон амалиётида (АҚШ, Германия) кенг қўлланилаётган дастлабки эшитувнинг самарали ва ижобий жиҳатларидан бири аризани иш юртишга қабул қилишда тарафларнинг тортишуви принципига амал қилинади, юқорида баён этилган шариоат судья тарафларнинг фикрларини эшитади ва инобатга олади, агар эътирозлар бўлса, у ўз ажрида асослаб беради.

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Шунингдек, дастлабки эшитув институти томонларга ҳам асосий суд муҳокамасига яхшироқ тайёргарлик кўриш имконини беради. Хусусан, томонлар зарур ҳужжатларни, гувоҳларни ва далилларни олдиндан тайёрлашлари мумкинлиги, иш юзасидан ўз позициясини аниқроқ ва тизимли равишда асослаш имкониятини тақдим этади.

Шу нуқтаи назардан, маъмурий суд ишларини юртишда дастлабки эшитув тартиби муайян иш бўйича муҳим далилларни эрта аниқлаш орқали ишни ҳар томонлама баҳолашга ёрдам беради. Бу эса суд қарорларининг янада асосли ва адолатли қабул қилинишига замин яратади ҳамда фуқароларнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Шу билан бир каторда, маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал қилиш тартибини жорий қилиш ташаббуси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, низоларни муносиб ва муқобил ҳал қилиш борасида қатор имкониятларни беради.

Аввало, юқорида қайд этилганидек, судьяларнинг иш юклагаси катталиги ишни сифатли, ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқишга таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари, низоларни муқобил ҳал қилиш, хусусан, судгача низоларни турли механизмлар асосида ҳал қилиш тенденцияси жаҳон амалиётида ҳам, миллий қонунчилигимизда ҳам ўзининг ижобий жиҳатларини намойён этмоқда. Бу, ўз навбатида, тарафлар учун ҳам қатор энгилликларни назарда тутиб, мақбул ечимларга келиш имкониятини беради.

Албатта, мазкур ташаббус фуқаролар учун ҳам бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, судгача низоли ҳал қилишда суд харажатлари ва давлат божининг мавжуд эмаслиги фуқаронинг ортқиқча сарф-харажат қилишининг олдини олишга, низоларнинг тезкорлик билан ҳал этиш асосида манфаатдор шахслар вақтларини тежалишига имкон яратади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишда мазкур институтнинг жорий этилиши судлар юклагасини камайтиришга, харажатларнинг оптималлашишига, низоларни ҳал қилиш жараёнини тезлаштиришга, асосли қарорлар қабул қилинишига, бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимининг янада самарали фаолият юртишига хизмат қилади.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада вояга етмаганларга нисбатан юртилаётган одил судловнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларини мамлакатимизга кенг жорий этиш, унинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, партия томонидан билдирилган ювенал адлия тизимини йўлга қўйиш ҳамда боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ташаббуслар мазкур масалалар ечимига қаратилган илғор тамойиллардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мазкур ювенал адлия тизими 60 дан ортқиқ хорижий давлатларда кенг қўлланилмоқда. Масалан, Францияда ювенал адлия тизими вояга етмаганлар ишлари бўйича суд инстанцияси сифатида жорий қилинган бўлиб, ўз навбатида, ушбу инстанция мазкур соҳада мутлақ ваколатларга эга бўлган махсус органлар ҳисобланади.

Японияда ювенал адлия органи сифатида оилавий судларнинг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар вояга етмаганларга нисбатан юртиладиган барча ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга.

Польшада ҳам оилавий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг асосий вазифаси оила ва болани ҳимоя қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳамда бевосита уларнинг тарбияси билан шуғулланиш ҳисобланади.

Партия мамлакатимизда ювенал адлия тизимини йўлга қўйиш учун ушбу соҳада тизимли ишлар амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Бу борада, соҳани тубдан ислоҳ ва самарали йўлга қўйиш учун болаларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада такомиллаштириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш тақлиф этилади.

Умуман олганда, мазкур тизимни жорий этиш мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада одил судлов механизмларини кенг жорий этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Адолатли жамиятни биргаликда кураимиз!
Дилмурод ИСМАИЛОВ,
Надира РАШИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар

Жараён

Шу кунларда олдимизда муҳим сиёсий воқеа – халқимиз ўз иродасини очиқ намойён этишига катта имконият бўлган вакиллик органларига сайловлар турибди.

Хабарингиз бор, жорий сайловлар илк марта мажоритар-пропорционал (аралаш) тизим асосида ўтказилади. Ҳозир юртимизнинг ҳар бир гушасида ушбу сиёсий жараёнга пухта ва қизгин ҳозирлик кўриляпти. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлиги учун сайлов янги ижтимоий-сиёсий муҳитда ўтказилмоқда.

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи Конституцияимизнинг 128-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу муҳим сиёсий жараён демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси ва халқ хоҳиш-иродасининг ифодаси экан, 18 ёшга тулган ҳар бир ватандош бу имкониятдан тўлиқ фойдаланиши, сайловда иштирок этиш орқали давлатнинг эртанги кунини белгилашда аниқ позициясини намойён этиши мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда яратилган янги сайлов тизими фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи тўлиқ амалга ошишига хизмат қилади.

Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги юксалиб, янги Ўзбекистон тақдирига, ўзи ва оиласи келажагига дахлдорлик ҳисси янада ортқиқ бораётганини намойён этади. Янада муҳими, янги Ўзбекистонда янги сайлов дунёқароши шаклланишини кўрсатади.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, жорий йилги сайловда барча даражадаги вакиллик органларига 5 та сиёсий партия – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Экологик партия, Халқ демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси томонидан барча депутатлик ўринларига 100 фоз номзодлар кўрсатилган.

Мазкур партиялар бир мандатли сайлов округлари бўйича 375 нафар, ягона сайлов округи бўйича эса 500 нафар номзодни рўйхатга олишга муваффақ бўлган. Қонун-

БУ ГАЛГИ САЙЛОВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ НИМАДА?

чилик палатасига жами 875 нафар номзод кўрсатилган бўлиб, бу ҳолат миллий сайлов тарихида биринчи марта рўй бермоқда.

Бундан ташқари, номзодлар таркибида гендер тенглик усагани ва инклюзивлик кузатилмоқда. Яъни сайловда иштирок этаётган номзодлар орасида 44 фоздан ортқиқини аёллар ташкил этиб, бу энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар сони ҳам кўпайган. Жорий йил Қонунчилик палатасига 11 нафар, маҳаллий Кенгашларга эса 605 нафар ногиронлиги бор шахслар номзод сифатида кўрсатилган.


“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун билан сайловга оид қонун ҳужжатларига ҳам баъзи ўзгаришлар киритилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгар-

лади. Ҳозирги вақтда ахборот тизими орқали сайлов жараёнларига оид деярли 60 турдаги муносабатлар тўлиқ рақамлаштирилган.

Мазкур ахборот тизими инсон омилсиз сайлов жараёни иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тўлиқ рақамлаштириш, сайлов тартиботларидаги бюрократия, ортқиқча вақт сарфи ва ҳужжатлар ҳаракатини қисқартириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, сайловларга оид маълумотларнинг янада очиқлигини таъминлайди.

Тахлилларга кўра, мазкур тизимда 400 мингга яқин сайлов жараёни иштирокчилари, жумладан, сайлов комиссиялари аъзолари, депутатликка номзодлар, кузатувчиларга оид маълумотлар базаси шаклланади. Ахборот тизимидан сайлов жараёнининг 32 минг нафар иштирокчиси профессионал тарзда фойдаланади. Фойдаланувчилар билан 40 турдаги SMS-хабарномалар орқали мулоқот ўрнатилди.



тиришга кўра, сайлов комиссиясининг ёки референдум ўтказувчи комиссиянинг аъзоси томонидан фуқарога бир неча марта ёки бошқа шахслар номидан овоз бериш учун сайлов (овоз бериш) бюллетенини берганлик учун жавобгарлик белгиланди. Ушбу норма билан бир оила аъзоси сайлов участкасига келиб, бутун оиласи номидан овоз бериши каби салбий ҳолатларга батамом барҳам берилади. Конституцияда белгиланган бўлишига қарамай, “Ҳар бир сайловчи бир овозга эга”, деган талаб ижроси таъминланади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистоннинг сайлов тизимидagi энг эътиборли ютуқларидан бири сайлов комиссияси фаолиятининг тўлиқ рақамлаштирилиши ҳисобланади. “E-saylov” ахборот тизимининг жорий этилиши олдинга катта силжиш бўлиб, сайлов жараёнини замонавийлаштиришга хизмат қи-

яна бир янгилик, сиёсий партиялар сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда ташвиқот материалларини тайёрлашларига рухсат этилгандир. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига кўра, сиёсий партиялар билан номзодлар сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда тайёрланган ҳар қандай ташвиқот материалларида бу ҳақда маълумот кўрсатишлари шарт. Шунингдек, ҳар қандай шахсининг тасвири ва овозидан фойдаланишда унинг розилиги талаб қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ҳамда сайловларни ўтказиш борасида демократик тамойилларни ўзда акс эттирган самарали тизим яратилди.

Манзура РУСТАМОВА,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази вилоят ҳудудий бўлимига етакчи мутахассиси

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Чавандозларимиздан 3 медаль

Эстония пойтахти Таллин шаҳрида от спортининг конкур йўналиши бўйича нуфузли халқаро мусобақа якунланди. Турнирнинг сўнгги кунини Ўзбекистон терма жамоаси учун омадли ўтди.



Хусусан, чавандозимиз Абдурахмон Абдуллаев 150 см. баландликдаги тўсиқлардан сакраш бахсларида “Go Four II” лақабли тулпорда кумуш медалга сазовор бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси ушбу мусобақани 1 тадан олтин, кумуш ва бронза медаллари билан якунлади.

Мағлубиятсиз юриш давом этади

Осиё минтақасида футбол бўйича 2026 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи саралаш босқичининг 3-тур учрашувларига старт берилди.

Мазкур турда А гуруҳи пешқадамлари – Ўзбекистон ҳамда Эрон терма жамоалари ўзаро тўқнаш келишди. Қизгин ва мурасасиз ўтган беллашувда ҳисоб очилмади – 0:0.



Мазкур натижадан сўнг вакилларимиз очколари сонини 7 тага етказиб, қўшимча кўрсаткичлар эвазига ўз гуруҳида пешқадам бўлиб турибди.

Ҳамюртлари билан биргаликда кўшимча кўрсаткичлар эвазига ўз гуруҳида пешқадам бўлиб турибди.

қилади. Мазкур учрашув 15 октябрь кунини “Бунёкдор” стадионида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Теннис афсонаси фаолиятини тугатмоқда

Испаниялик теннис афсонаси Рафалъ Надаль катта спортдаги фаолиятини якунлаётганини эълон қилди.



38 ёшли теннисчи жорий йилнинг ноябрь ойидаги “Дэвис кубоги” уйинларидан сўнг профессионал теннисдаги фаолиятини тугатди. Надаль – “Катта дубулфа” мусобақаларининг 22 карра ғолиби, 2 карра Олимпиада чемпиони ҳисобланади.

миллион АҚШ долларидан ортқиқ мукофот пули ишлаган. **Интернет маълумотлари асосида ЎзЖОКУ талабаси Оғабек ХУРСАНОВ тайёрлади**

“Адолат” партиясининг номзодларига овоз беринг!



Бугун эса бундай салбий тушунчалар ўзгарди. Ҳоким деганда одамлар юмшоқ курсида ўтириб олиб, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган кимсалар эмас, шу юрт, шу элнинг бугуни ва эртаси учун сидқидилдан жон куйдирадиган, юрагида катта масъулиятни ҳис эта олган фидокор инсонни тушунадиган бўлишди. Эндиликда бу лавозим эгалларининг ўзи халқ ичига кириб, ечимини кутаётган масалаларга жавоб излаётди. Одамларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш, муаммоларига ечим топиш, уларнинг юзида табассум, кўзида эртанги кунга бўлган ишончни кўриш раҳбар сифатида мени хушнуд этмоқда.

Юртимиз тараққиёт ва ривожланишнинг янги босқичига қадам қўётганини ҳар биримиз кўриб-кузатиб, кўксимиз ғурурга тўлмоқда. Табиийки, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Авваламбор, буларнинг бари Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар самарасидир. Президентимиз деярли ҳар бир йиғилишда халқни рози қилиш ҳақида таъкидлайдилар. Бу гап биз – раҳбарларга ҳам юксак масъулият юклайди. Оҳангарон шаҳрига ҳоким бўлиб тайинланганимда бу масъулият ва ишонччи оқлаш учун бор ғайратим билан ишлашим кераклигини тушунганман.

Шаҳримизда 41 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу шунча кишини рози қилиш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш демакдир.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ

Сўнги йилларда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида ҳудудларда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳримиздаги ўзгаришлар бунинг аққол мисолидир. Бу саяёҳ-харакатларимиз самараси ўлароқ инвесторларнинг вилоятимизга бўлган қизиқиши ортмоқда. Масалан, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш 2019 йилда 33,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2024 йил якунига қадар ушбу кўрсаткичи 51 млн. АҚШ долларига етказиш режа қилинган. Шунингдек, ҳудуднинг экспорт салоҳияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, сўнги 5 йилни таҳлил қилганимиз бўлса, шаҳарнинг экспорт кўрсаткичлари 2019 йилда 50 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2024 йил якунигача мазкур кўрсаткичи 73,8 млн. АҚШ долларига етказиш ниятидаммиз.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Худудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган тизимли ишлар натижасида бугун барча макроиқтисодий кўрсаткичларда ўсиш суръатлари кўза ташланмоқда. Масалан, шаҳримизда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилда 1,7 трлн. сўмни ташкил этган. Бугунги кунга қадар 40 дан зиёд янги, йирик саноат корхоналарининг ишга туширилиши натижасида эса бу кўрсаткич қарийб 3 бараварга ошди.

Шунингдек, шаҳримизда 5 трлн. 400 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,1 фоиз ўсишга эришилди, аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса 131,5 млн. сўмга етди.

Бундан ташқари, бошқа қатор тармоқларда ҳам ривожланиш кўза ташланмоқда. Жумладан, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 103,5 фоизга, қурилиш-пудрат ҳажми 102 фоизга, чакана савдо айланмаси 110,4 фоизга бажарилган бўлса, экспорт кўрсаткичи белгиланган режага нисбатан 110 фоизни ташкил этди.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ – БОШ МАСАЛА

Худудда камбағалликни қисқартириш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилляпти. Хусусан, ўтган йиллар давомида янги саноат лойиҳаларининг ишга туширилиши натижасида 1 минг 700 нафар ишсиз фуқароларимиз доимий иш ўринларига эга бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, шаҳримизда фаолият юритаётган саноат корхоналари тўғридан тўғри инвестициялар туфайли 1,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектларининг улуши ўтган йил 30,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 41 фоизга етказилди.

Шунингдек, худудда 30 дан ортиқ хизмат кўрсатиш ва савдо нуқталари фаолиятга йўлга қўйилган бўлиб, бу масканларда ҳам 60 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари,

ЯНГИ ОҲАНГАДА КУЙЛАЁТГАН ОҲАНГАРОН

норасмий ишлаб келаётган ишчи-ҳодимларни легаллаштириш орқали 1,9 минг нафар фуқаронинг расмий бандлиги таъминланди, 3,8 минг нафар ҳамюртимиз ўзини ўзи банд қилишига эришилди. Йил якунига қадар яна 1,2 минг аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Бунинг учун барча имкониятларни ишга соламмиз.

Бундан ташқари, ўтган йилларда хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам 100 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиши эъзага 193,8 млрд. сўм инвестиция ўзлаштирилиб, 1 минг 200 та янги иш ўринлари яратилди. Бунда “Бекдил” МЧЖ, “UNIVERSAL MEGA AVTO OIL” МЧЖ, “M-ARSH PETROLEUM” МЧЖҚҚ, “Темирота” ХК,

камбағал оилалар сонини камайитириш, турли ижтимоий химоя дафтарларида рўйхатда турган ишсизларни даромадли иш билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бу йил бошидан буён тижорат банкларимиз томонидан бевосита аҳоли учун жами 13,6 млрд. сўм кредитлар берилиши таъминланди. “Халқ банки”нинг шаҳар бўлими томонидан 549 нафар фуқарога 6,5 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари берилди. Бундан ташқари, “Бизнесни ривожлантириш банки” маблағлари ҳисобидан “Бизнесга бир қадам” дастури доирасида 94 нафар фуқарога 1 млрд. сўм, 83 та тадбиркорга 6,1 млрд. сўм имтиёзли банк кредитлари ажратилди.

лишида мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртига кириш курсаткичлари ҳам йилдан йилга яхшилашиб бормоқда.

ФАРОВОНЛИК САРИ


Бугун худудда аҳолини зарур инфратузилма билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1,2 км. узунликдаги ичимлик суви тармоқларида мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, А-373 автомагистраль йўлининг Оҳангарон шаҳри ҳудудидан ўтган қисмида ер усти пиёдалар ўтиш йўлагини қуриш ишлари давом этмоқда.

Дарвоқе, шаҳримизда 7 йил давомида 36 та кўп қаватли уйлардаги 310 та хонадон ўз эгаларига топширилган бўлса, жорий йилнинг ўзида яна 3 та кўп қаватли уйларнинг қурилиш ишларини якунлаб, аҳолига топшириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, “Ёшлар дафтари” орқали 217 нафар ёшга 721 млн. сўмлик, “Аёллар дафтари” орқали 1 минг 367 нафар аёлга 1 млрд. 296 млн. сўмлик, “Темир дафт-тар” орқали 24 та ижтимоий химояга муҳтож оиллага 42 млн. 470 минг сўмлик ёрдамлар кўрсатилди.

Аҳолининг тақлифларидан иборат бўлган “Ташаббусли бюджет” жараёнининг 2024 йил 1-мавсумида “Очик бюджет” ахборот порталида фуқаролар томонидан 83 та тақлиф илгари сурилиб, якунда энг кўп овоз тўплаган қиймати 11 млрд. 610 млн. сўм бўлган 11 та лойиҳа ғолиб деб топилди ва аммолияштирилди.

Келтириб ўтилган барча рақамлар



ЁШЛАР – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА!

Оҳангарон шаҳри аҳолисининг 22,5 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг эриш-шайтан ютуқлари кишини қувонтиради. Биргина спорт йўналишини оладиган бўлса, шаҳримиз атлетлари 2023-2024 йиллар мобайнида Осиё чемпионатларида 19 та (7 та олтин, 5 та кумуш, 7 та бронза), жаҳон чемпионатларида 11 та (4 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза) медални қўлга киритишди.

Шу билан бирга таълим тизими ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, инвестиция дастури асосида шаҳардаги 5-умумтаълим мактабининг мавжуд 750 ўринли биносида реконструкция ишлари олиб

“Оҳангарон Турон барака” МЧЖ, “Мунаввар тонг замини” МЧЖ каби корхоналарнинг ҳиссаси катта. Ўтган йил билан солиштирганда аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми 3 бараварга ошиб, 640,1 млрд. сўмни, чакана савдо айланмаси эса 2,7 бараварга ошиб, 841,4 млрд. сўмни ташкил этган.

Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурига биноан 6 та корхона томонидан 7 турдаги 363,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланди.

Юқорида қайд этилган ва амалга оширилган ишлар натижасида Оҳангарон шаҳри бугунги кунда вилоятнинг “Яшил” худудлар таркибига кирганини таъкидлаш лозим.

Кейинги йилларда шаҳримизда кичик бизнес субъектлари сони ҳам бир неча баробарга ошиб, 1 минг 656 тага етди. Шундан 57 таси чет элликлар иштирокидаги корхона. Ҳозирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Ишсизликдан ҳоли худуд”, “маҳалла еттилиги”, аҳоли томоқрасидан самарали фойдаланиш бўйича “Сайхунбод”, “Уйчи”, “Зарбдор” ва “Ғиждувон” тажрибаларини омма-лаштириш натижасида худудлардаги



бирозмолқда ва қўшимча 300 ўринли ўқув биноси қурилмоқда.

Умуман олганда, худудда салохиятли ёшлар етарлича. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бугун қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, или-маърифатли қилиб тарбиялаш мақсадида замонавий жиҳозланган “Маънавият ва маърифат маскани” ташкил этилган. Қилинаётган ишлар натижасида таълим йўна-

ва қилинаётган ишлар натижалари туб негизда, аввало, инсон манфаатлари туриди. Ислохотлар мевасини кўриб, халқ биздан рози бўлса, эртанги кунга бўлган ишонч ортади.

Зотан, мақсадимиз шаҳримиз аҳолисининг бахтли яшашини таъминлашдир.

Музаффар РАЖАББОВ,
Оҳангарон шаҳар ҳокими

Шанба сабоғи

Бир донишманд қўлига бўш кўзани олиб уни тошга тўлдирибди.

Сўнг шогирдларини қақриб, уларга биринчи саволини берибди: «Айтинг-чи, кўза тўлдими?» Шогирдлар: «Ҳа, тўла», дейишди. Шунда устоз қўлига нўхатли идишни олиб, кўзага тўкди. Нўхат тошлар орасидаги бўш ўринларга жойлашди. Устоз шогирдларига яна савол берди: «Энди

Ниҳоят донишманд идишга сув қуя бошлади. Идиш сув билан тўлди. Буни кўрган шогирдлар кула бошладилар. Устоз деди: «Бундан мен



Ҳаётда ҳар нима бўлишинг мумкин, муҳими «инсон» бўла олинди.

Шамс ТАБРИЗИЙ

Кўм эса, ҳамманинг ҳаётида бўладиган майда-чуйда нарсалардир.

Агар кўзани аввал кўм билан тўлдирсанг, нўхат ва тошларга жой қолмайди. Ҳаёт ҳам худди шундай: вақтинги бекорчи нарсаларга сарфласанг, энг асосийсига вақт қолмайди.

Яқинларингга, қариндошларингга эътибор қилинган, бошқа ишларга кейин ҳам вақт топилаверади.

Шу сўзларни айтиб донишманд ўрнидан турган эдики, шогирдлардан бири савол берди: «Сув нега керак эди?»

Устоз нимтабассум билан деди: «Мен кўзага сувни қўшимдан мақсад: ҳаётда вақт қанчалик тизим бўлмасин, бекор вақт ҳам топилади», дейиш эди.

Ёқуб УМАР

Ушрат

кўзам тўлдими?» Шогирдлар яна кўза тўлганини айтишди.

Энди устоз кўм тўла кўзини олди-да, яна кўзага тўкди. Кўм тош ва нўхатлар орасидан ўтиб, бўш қолган жойларни эгаллади. Устоз яна шу саволини бериб, шогирдларидан ўша жавобни олди.

сизларга айтмоқчи бўлган ўғитим: кўза бу бизнинг ҳаётимиз, тошлар энг асос бўлган кишиларимиз – оиламиз, соғлигимиз. Нўхат – ёқа-диган, аммо жудаям муҳим бўлмаган нарсалар: яхши иш, дангиллама уй, машина, қимматбаҳо нарсалар.

Унутилмас сатрлар

Жуз

Эшиклар тўсатдан бир қучоқ нурни Сочиб юборади туннинг кўксига. Эшикни ёпаман, тинч қўчаларни Кезиб термилмаман ойнинг рақсига. Кейин далаларга чиқиб кетаман, Мен билан богларда тентирайди тун. Булутлар оқади. Кўзин тутаман, Пойимда майсалар шивирлар афсун. Тун шаҳарни қучкан.

Бахтли аёллар Эраклар кўксига қўядилар бош – Ухлар чойшабларга ўралган еуллар, Қўрпани тоблашиб мушукдай ювош. Фақат узоқларда, тунги қирларда Кўзлари қора қиз, қоши қора қиз Йилитнинг кўксига эмас, далада Уватга бош қўйиб ухлайди ёлғиз. Хуриш ДАВРОН

Шанба табассуми

Ўтган аср саксонинчи йиллари Совет ядро физикасининг энг номдор олимлари – фан докторлари ва академиклар Қора денгизда дам олишаётган эди.

Бир кун улар ўзлари билан резина қопқоқли винодан бир неча шиша олиб, денгиз бўйига боришади. Лекин резина қопқоқни кесиб учун пичоқ олишини унуттишган эди. Шунда улар шу атрофда юрган, юпунгина кийинган, кўринишидан пиёнистага ўхшаб кетадиган одамдан пичоқ сўрашади.

– Пичоқни нима қиласизлар, –

деб сўрайди ҳалиги киши. Олимлардан бири лабига сигарета қистириб, гугурт чақар экан, пичоқ вино қопқоқини кесиб учун кераклигини айтади.

Шунда боя-ги одам олимнинг қўлидаги гугуртини олиб, бир чўпини ёндиради-да, «Эзиб қўйиб-ди-ку, тирик балчиқ деб, онаҳон, – деб-ди.

Кампир унга: – Мен ҳам тиррикам болам, лекин янги эмасман, – деди.

Янгисидан бор

Бозорда қари онаҳон балчиқ сотувчини ёнига келиб:

– Болам, балчиқне янгими? – деб сўраса, сотувчи: – Эзиб қўйиб-ди-ку, тирик балчиқ деб, онаҳон, – деб-ди.

Кампир унга: – Мен ҳам тиррикам болам, лекин янги эмасман, – деди.



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAQHMEDOV

G’afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib: Alloma AZIZOVA

Navbatchi: Zikrilla MAMATOV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 19:20

Nashr ko’rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1035.

2 860 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo’g’oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo’li ko’chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko’chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter makzazida

terildi va Tohir Mahmudxo’jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6